

Эй Раббим, Сендан унинг яхшисини сўрайман

11:38 / 17.06.2019 2908

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам кўйлак, ридо ёки салла кийсалар, бисмиллоҳни айтиб, сўнг:

????????? ?????? ????????????? ????? ???????????

????????? ??? ????? ????? ????????????? ????? ?????

????????? ?????????? ??? ????? ?????

«Аллоҳумма инний ас`алука мин хойриҳи ва хойри ма ҳува лаҳу ва аъзузу бика мин шарриҳи ва шарри ма ҳува лаҳу», деб айтар эдилар.

Маъноси: Эй Раббим, Сендан унинг яхшисини ва унга бериладиган нарсанинг яхшисини сўрайман. Ва унинг ёмонидан ҳамда унга бериладиган нарсанинг ёмонидан паноҳ тилайман.

Ибн Сунний ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан